



ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРИБ, ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 20 январь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани муҳим аҳамиятга эга. Бу албатта давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат беради.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувидан: «Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!», деб таъкидлаган эди. Шу билан бирга, ушбу минтақада яшаётган аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан: «Бундан буён ҳар бир туман ва шаҳарга, керак бўлса, чекка-чекка қишлоқ ва овулларгача кириб борамиз. У ерда истиқомат қилаётган одамларнинг дардини эшитамиз, муаммоларини ҳал қилишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқамиз ва ижросини қатъий назоратга оламиз», деган эди.

Айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикасига бугунги ташриф ана шундай эзгу мақсадларнинг, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилда белгиланган вазифаларнинг яна бир амалий ижроси сифатида намойён бўлди. Маълумки, давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий тармоқлари, sanoat, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда бу ҳудуднинг мураккаб шароити, Орол денгизи билан боғлиқ минтақада юзага келган экологик офат аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларига эътибор қаратиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш каби бир қатор муҳим масалалар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни талаб этмоқда.

Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбари ташриф давомида оддий одамлар билан учрашди, оилаларга кириб, уларнинг турмуш шароитлари билан яқиндан танишди. Халқ билан самимий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хўжайли тумани марказий шифохонасига ташриф буюрди. Замонавий тиббий техника билан жиҳозланган ушбу муассаса тумандаги 11 қишлоқ врачлик пункти ва 4 поликлиника билан биргаликда 130 мингдан зиёд аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Саломатлик инсоннинг энг қиммат бойлиғидир. Одамларга саломатлигини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатадиган муассасас энг шарафли касблардан бирининг эгасидир.

Шавкат Мирзиёев шифохонадаги шариоит билан танишди, қабул, рентген, диагностика ва қатор бошқа бўлимларни кўздан кечирди. Шифокорлар билан мулоқотда малакали тиббий кадрлар етиштириш, тиббий жиҳозлардан умумий фойдаланиш, хизмат малакасини ошириш, шифохоналар қуришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Президентимиз «Мурув-ат» аёллар интернатида бориб, ушбу муассаса фаолияти билан танишди. Шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатлашиб,

бу масканда яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Тумандаги 69-мактаб ўқитувчилари билан бўлган мулоқот чоғида мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, бу ерда лицей ва коллежларнинг бўлғуси муносиб ўқувчиларини тайёрлаш ва умуман Ватан равнақи учун малакали кадрлар тарбиялаш ишларини тақомиллаштириш мавзусида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Агрисаноат маркази қурилаётган участкага ҳам ташриф буюрди. 2017-2018 йилларда ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу мажмуа 11 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш бинолари, шунингдек, терминал, юк тушириш ва ортиш майдони, музхоналар, иссиқхоналар, боқхона, ангар, меҳмонхона, овқатланиш муассасаси, спорт мажмуаси каби иш-шотлар барпо этилади.

Шу ёрнинг ўзиде Хўжайлида тураржой инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари одамлар бошланган ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилиши учун жорий йил якунигача 40 кўп қаватли тураржой биноси барпо этиш ва фойдаланишига топириш тўғрисида кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон-қишлоқ врачлик пунктида ҳам бўлди. Шифокорлар билан суҳбат асосида аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолияти алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий жиҳозлар билан бир қаторда дори-дармон ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шуманай тумани Жумабой Бозоров номидаги болалар мусика ва санъат мактабига ташриф буюрди. 211 ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда миллий мусика асбоблари, фортепьяно, хореография, тасвирий санъат каби ўндан зиёд йўналишда дарс ўтилади. Муассаса очилганига атиги бир неча йил бўлганига қарамай, унинг ўқувчилари қатор танловларда, хусусан, 2 марта мамлакатимиз миқёсида ўтказилган

қўриқда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари билан мулоқот чоғида жамоатчилик вакиллари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор бергани, Президентимиз Шавкат Мирзиёев у кишининг бу борадаги хайрли ишларини изчил давом эттираётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Агрисервис МТП» масъулияти чекланган жамиятининг Қанлиқул тумани филиалида ҳам бўлиб, баҳорги дала ишларига пухта тайёрларик кўриш ҳақида фикрлашди. Туманда пахта майдонини босқичма-босқич қисқартириб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қанлиқул педагогика коллежиде бўлган мулоқотда Президентимиз коллеж мутахассисликларини замон талабига мос равишда ўзгартириш, туман иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун зарур кадрлар тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Илмий, бадий адабиётларни қорақалпоқ тилига ўгириш, чоп этиш ва таълим масканларига етказиб бериш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Қўнғирот — Мўйноқ ичимлик суви тармоғи қурилиши бошланиши билан танишди. 101 километрлик ушбу сув тармоғи ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 7 минг куб метр сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

Нуқус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифиде давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Отабобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

ЭЛУ ЮРТ БАХТИГА БАХШИДА УМР

Ислом Каримов кўксимга «Олтин Юлдуз» орденини тақиб кўяр экан, атрофдагиларга қараб: «Мана шу аёлни кўринг, шу аёл Қаҳрамон бўлади, деб ким ўйлаган?! Аслида, шу кичик жуссаси-ю катта қалбига эл-юртга хизмат қилишдек улкан масъулиятни ортган аёл учун далада ишлаш билан бирга, олти фарзандни боқиб-тарбиялашнинг ўзи қаҳрамонлик эмасми?!» деганларида кўзларимдан дув-дув ёш куйилди.

Патронаж хизмати

БИРЛАМЧИ БЎҒИНДАГИ БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Белгиланган штат меъёрларига кўра, қишлоқ врачлик пунктларида 2000 нафар аҳолига бир умумий амалиёт шифокори, 1350 нафар аҳолига эса бир нафар патронаж ҳамшираси хизмат кўрсатиши лозим. Бир патронаж ҳамшира бир кунда ўртача 6 хонадонга ташриф буюрса, бир ойда 144 хонадон патронажи амалга оширилади. Лекин амалда бир патронаж ҳамширага ўртача 250 хонадон бириктирилган бўлиб, у бир ой давомида барча хонадонларнинг ҳар биридан хабар олишга улгуролмайди. Бу эса патронаж ҳамширалари сонини 2 баробар оширишни тақозо этади.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови



Саломат ШОТЎРЛАГАНОВ олган суратлар.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Лойиҳаларни тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш, хотин-қизларга доимий иш ўрни яратиш масалалари кўзда тутилган. Опа-сингилларимиз тайёрлаган лойиҳалар орасида ёрқин, аниқ таклифларнинг борлиги кўпчиликни қувонтирди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган кучли фуқаролик жамияти ривожланаётганини таъкидлади. Жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқларда фуқаролик жамияти институтларининг муносиб ҳиссаси бор.

Йиғилишда Парламент комиссияси ва жамоат фонднинг 2016 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи лойиҳалари ҳамда 2017 йилда амалга ошириши зарур бўлган устувор вазифалари муҳокама этилди.

Парламент ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2016 йилда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун давлат бюджетидан 11 миллиард сўм ажратилган.

Айтиб ўтиш керакки, 2016 йилда турли йўналишларни қамраб олган 7 танловга давлат гранти ажратилган. Уларда 1 минг 428 лойиҳа, жумладан, 1 минг 264 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қатнашган. Шундан 254 ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурга 6 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада давлат ижтимоий буюртмаси асосида 13 лойиҳа учун 2,3 миллиард сўм ажратилган. ННТларни давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган.

Умуман, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 275 лойиҳа ва дастурларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар 12,2 миллиард сўмга етган.

Йиғилишда амалга оширилаётган ишлар моҳиятини очиб бериш, уларни халққа тўлақонли етказиш зарурлигига эътибор қаратилди. Йўл қўйилаётган камчиликлар айтилиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

парламент назоратини кучайтиришнинг энг муҳим омилларидан биридир

Президентимизнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуни ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мутасадди раҳбарлар, давлат идоралари олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши кераклиги таъкидланди.



Сенатор ШОТУЛЛАҒАНОВ олдидан сўраётган.

Авал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида Президентимиз томонидан билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар яна бир бор ўрганиб чиқилди. Шу асосда депутатлар томонидан фракция фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашга доир таклифлар билдирилди.

Кун тартибидagi долзарб масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хатамжон Кетмонов сўзга чиқди.

— Президентимиз маърузасида ўтган йили мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга умумий баҳо берилди, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил этилди, — деди фракция раҳбари. — Шунингдек, Ватанимиз раванга, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилган лозим бўлган энг муҳим вазифалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, замон шиддати олдимида янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан узилб қолмоқда. Тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаси ёндашувга йўл қўйилмоқда. Бу борадаги асосий камчилик — аксарият раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқдир.

Президент маърузасида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, оилавий бизнес, касаначиликни ривожлантириш, аҳолини дори воситалари билан ишончли таъминлаш, қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берилган вазифаларни фракциямиз долзарб ҳамда принципиал аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиқиб, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олдик.

— Маърузада илгари сурилган яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман, — деди партия етакчиси. — Фуқаролар билан

очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмларини ҳаётга татбиқ қилиш, жумладан, барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар идоралари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, шу мақсадда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бугунги куннинг талабидир.

Хусусан, вилоят, туман, шаҳар прокурорларининг маҳаллий Кенгашларда ҳисоб бериш механизми жорий этилиши муносабати билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга тегишли нормаларни киритиш, Кенгашларнинг назорат фаолиятини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш тақозо этилади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай катта-кичик раҳбар, қолаверса, барча даражадаги депутатлар ҳозирги шароитда фақат кабинетда ўтириб яхши натижаларга эришолмайди, халқимизнинг меҳри ва ишончини қозона олмайди. Биз қанчалик одамларга яқин бўлсак, улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлсак, ишимизда самара кўрилади. Жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳисоботини эшитиш жараёнида депутатлар фаол қатнашиши зарур. Бу парламентда муҳокама этиладиган қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Ушбу механизмнинг ҳаётга жорий этилиши қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан қай даражада амалга оширилётганини ўрганиш, тегишли тартибда баҳо бериш, шу билан бир қаторда, яна қандай қонунчилик ташаббуслари зарурлигини ўрганишга имкон яратади.

Бизнинг фикримизча, тиббиёт йўналишидаги таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда мутахассис кадрларга бўлган талабни инобатга олиш керак. Маҳаллий ҳокимларга мазкур масалалар юзасидан тегишли

ҳуқуқлар бериш, яъни ҳокимларнинг тавсиясига асосан олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш механизмининг яратувчи ҳуқуқий нормани «Таълим тўғрисида»ги қонунга киритиш лозим. Бундан ташқари, ушбу қонунга ўқув юртларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болалар учун инклюзив таълим бериш мақомини белгилайдиган норма киритишни таклиф этамиз.

Мажлисда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Марказда Хукуматнинг, жойларда маҳаллий ҳокимларнинг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича ҳисоботларини тегишли вакиллик органларида эшитиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади, деди партия етакчиси.

Хатамжон Кетмонов барча даражадаги депутатлар қонунлар ижросини ўрганишда танқидий таҳлилга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини, фракциянинг электротар маънафатларини ҳимоя қилиш

га қаратилган ишларини тубдан кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг фракция аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

— Мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитхон Турғунов. — Агар чуқурроқ ўйлаб, мулоҳаза юритсак, бир одамни ишга жойлаштириш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги аён бўлади. Иш ўрни яратилиши масаласи кўплаб омилларга боғлиқ. Бунинг учун, аввало, иш жойлари яратилиши янги механизмларини ҳаётга жорий этиш керак бўлади.

Муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этиш даркор. Бу вазифалар ижросини таъминлаш нафақат давлат тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар фаоллигига ҳам бевосита боғлиқ.

— Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриш — долзарб масала, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Суён Абдиев. — Чунки муҳофафатларни ҳал

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ушбу долзарб вазифа юзасидан муҳим фикрлар илгари сурилди. Касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича уч томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида қўшиб ёзиш ҳолатлари бартараф этилмагани таъкидланди. Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, ўтган йили Бандликка қўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштиргани қаттиқ танқид қилинди.

Очигини айтиш керак, биз бу масалани парламент назорати тартибида ўрганиб чиқганимизда кўплаб хато ва камчиликларга дуч келганимиз. Ишга жойлашган, деб маълумот берилган битирувчилардан муайян қисми аслида ишга олинмаган, уларга меҳнат дафтарчалари очилмаган бўлиб чиқмоқда.

Президентимиз «бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур», деб уқтириб ўтди.

Қонунчилик палатасида ҳукумат вакиллари ҳамда давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ахборотларини эшитиш, ҳудудларда қонунлар, бандлик дастури ижроси бўйича олиб борилаётган назорат-таҳлил ишларини тубдан кучайтиришимиз зарур.

Бандликка қўмаклашиш марказлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш масаласини қатъий қўриб чиқиш, шунингдек, уч томонлама шартномалар бўйича ота-оналар масъулиятини ошириш юзасидан қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш керак, деб ўйлайман.

— Маърузада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди, тизимдаги камчиликлар очик айтилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Президентимиз, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасидаги вазифаларга алоҳида ургу берди. Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, энг аввало, қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги таъминлангани, уларда 2 минг 500 нафар врач этишмаётгани, ушбу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу камчиликларни бартараф этишда биз, депутатлар ҳам фаол қатнашишимиз керак. Ушбу долзарб масалалар юзасидан нафақат эшитувлар ўтказиш, балки туманма-туман, қишлоқ-ма-кишлоқ юриб, врачлик пунктларидаги ҳақиқий аҳволни ўрганишимиз зарур.

Қишлоқларда истиқомат қилаётган муҳтож кишиларнинг имтиёзли асосда бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар билан таъминланиши, дорихоналарда нархларнинг сунъий равишда ошиб кетиши устидан давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳаёт талабидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси олдида турган муҳим ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови



Иккинчи босқич давом этмоқда

Республика Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Узини Мавлуда Раупова, деб таништирган қиз опаси Севара Худойбердиевани қўллаш учун келганини айтди. «Бугун опанинг танловда иштирок этиши, саҳнага чиқишини ўйлаб, мен ҳам ҳаяжонга тушдим», деди суҳбатдошимиз. Шу маҳал кичкина қизалоқ ёнимизга келиб, бизни тинглаб турганини кўрдим.

— Мен ҳам гапирсам майлими? — деди у. — Мен Нигора Қурбонбоеваман, Миробод туманидан ойим Дилдора Ортиқова билан келдим. 147-мактабнинг 5-синфида ўқийман. Ойимга ўхшашни хоҳлайман. Туманимизда биринчи ўринни эгаллаганларидек жуда хурсанд бўлдим. Бугун ҳам ойим голиб бўлишини истайман. Ўзим спорт тўғрақларига қатнашман, 11 та медалим бор! Келажакда ойижонимга ўхшаб ўқитувчи бўлмоқчиман.

Қизалоқ мактабдош дўгоналари, спортчи дўстлари ҳақида ҳам тўққинлаб гапирди. Орзу-истаклари шу қадар кўп эканини, мурғак қалбига шунча тиланини жо қилган Нигорага фақат ва фақат яхшиликлар тилалди.

Бир зумда танлов ўтказиладиган зал томонлар билан бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов барча иштирокчиларга омад тилаб, шартларни бошлаш мумкинлигини айтди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари таништирилган, 12 нафар иштирокчи бирин-кетин дастлабки шарт бўйича ўз лойиҳаларини тақдим эта бошладилар.

Лойиҳаларни тайёрлашда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганиш, хотин-қизларга доимий иш ўрни яратиш масалалари кўзда тутилган. Опа-сингилларимиз тайёрлаган лойиҳалар орасида ёрқин, аниқ таклифларнинг борлиги кўпчиликини қувонтирди.

Масалан, Шайхонтохур туманидан Хулқар Жўраева туризм салохиятини кенгайтириш, бу соҳага хоржий инвестицияларни олиб кириш бўйича ўз лойиҳасини тақдим этди. Унда ҳунармандчилик, касаначиликни ривожлантириш, ҳовли уй-жойларда кичик меҳмонхоналар очилиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш масалалари кўзда тутилган.

Жисмоний имконияти чекланган фуқаролар фаолият юритишдаги махсус корхоналар очилиш, уй бекарларини иш билан таъминлаш учун ўқув марказлари, маиший хизмат шохобчалари бунёд этишга қаратилган лойиҳалар ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилди.

«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир» шарҳида қатнашчилар партия электорати манфаатларига дахлдор қонунларни шарҳлаб, уларни янада такомиллаштириш ҳақида ўз таклифларини билдиришди.

Танловни кузатар эканман, ҳар бир иштирокчи шартларга астойдил тайёрларлик кўрган сезилиб турди. Жумладан, 3 дақиқа давомида 10 саволга жавоб бериш учун кўплаб сиёсий адабиётларни ўқиш, маълумотларни ёд олиш керак бўлади.

— Танловни иккинчи йил ўтказаятган бўлишимизга қарамай, унда рақобат анча кучли, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши сектор мудири Гулчехра Азизова. — Ўйлайманки, мазкур танлов фаол, зукко, ташаббускор аёлларни саралаб, уларнинг сафи кенгайтиришга хизмат қилади.

— Болалгимдан журналистикага меҳр қўйганман. Ҳозир «Маҳалла» телерадиоқаналида ишлаяпман, — деди олмасорлик иштирокчи Гулчехра Азизова. — Доим изланиш, интилиш, ўз устимда ишлашни ёқтираман. Ҳар қандай синонови оила аъзоларим, ҳамкасбларим кўмағида энгишга ҳаракат қиламан. Касбимдан фахрланаман. Бугун оқила ва лобар аёллар билан бир сафда турганимдан бошим осмонга етди.

Ҳар бир танловда голиблар ва совриндорлар бўлади. Бу гал омад «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидан Нилуфар Собиржоновга кулиб боқди. У республика босқичига йўланма олди. Барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўқув-семинар

Масъулиятни ошириш талаб этилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарған вилоят кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари ходимлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсманнинг) минтақавий вакили ҳамда электротар вакиллари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Олим Раваҳанов олиб борди.

Президентимиз «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик

— ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак», деб номланган маърузасида бугунги кунда жамиятимизда учраётган, юртимиз тараққиёти ва тадбиркорлик ривожига гов бўлаётган тўсиқлар, халқимизнинг норозиликларини келтириб чиқараётган муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борада белгиланган вазифалар, қўйилган талаблар сиёсий партиялар, депутатлар зиммасига катта масъулият юклаши таъкидланди.

— Бугун ҳаётнинг ўзи инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Бунинг учун одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, оруз-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини чуқур ўрганишимиз керак, — деди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсманнинг) минтақавий вакили, профессор Муродулла Нормуродов. — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта қўриб чиқиш зарур. Хусусан, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни

қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этиш даркор. Бу вазифалар ижросини таъминлаш нафақат давлат тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар фаоллигига ҳам бевосита боғлиқ.

— Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриш — долзарб масала, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Суён Абдиев. — Чунки муҳофафатларни ҳал

Музаффар ТУРОПОВ

Мурожаатларни ҳал этмай туриб, одамларни ҳаётдан рози қилиб бўлмайди.



Муҳаммаджон ҚОДИРОВ олинган суратлар

БИРЛАМЧИ БЎҒИНДАГИ БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 январь кунини соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашуви чоғида бу борада эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар ва қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлаш, моддий-техник базасини замонавий тиббиёт ускуналари ва жиҳозлари билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Айни кунларда барча вилоятларда Президентимиз томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш, энг аввало, мавжуд вазият танқидий ўрганилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Маълумки, аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишда патронаж хизматининг ўрни катта. Фарғона вилоятида 283 қишлоқ врачлик пункти 1998-2003 йиллар давомида «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 6,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi замонавий тиббиёт ускуналари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган.

— Қишлоқ врачлик пунктларида ҳозирги кунда 870 нафар шифокор

ва 2200 нафар патронаж ҳамширалари фаолият олиб бормоқда.

— Қишлоқимиздаги 3881 хонадонда 22126 нафар фуқаро яшайди. Уларга биргина Сўфилар қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатади, — дейди Тошлоқ туманидаги Сада қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Лутфулло Иброҳимов. — Ушбу даргоҳда олти нафар умумий амалиёт врачлари ва қирқдан зиёд ҳамшира ишлайди.

— Худудимиз катта, чекка участкаларимиз қишлоқ врачлик пунктдан 5 километргача узоқликда. Уларга бориб, хонадонлардан хабар олиб, беморларга зарур ёрдамни кўрсатишга бир кун кетади, — дейди шу қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Орзуҳон Акрамова. — Қолаверса, доридармон, оддий тиббий асбоблар мажмуаси йиғилган патронаж сумкалари ҳар биримизда эмас, беш ҳамширанинг бирида бор, холос...

Бу каби муаммолар фақат Сўфилар қишлоқ врачлик пунктида эмас, балки бошқа туманларда ҳам мавжуд. Фарғона вилояти тиббиёт бош

қармасидан олинган маълумотга кўра, ҚВПлардаги тиббий аппаратларнинг кўп қисми, жумладан 121 ЭКГ аппарати, 48 автоклав, 32 дисциплитор, 3 фотозлектроколориметр, 49 феталь доплерни янгилаш эҳтиёжи бор.

Белгиланган штат меъёрларига кўра, қишлоқ врачлик пунктларида 2000 нафар аҳолига бир умумий амалиёт шифокори, 1350 нафар аҳолига эса бир нафар патронаж ҳамшираси хизмат кўрсатиши лозим. Бир патронаж ҳамшира бир кунда ўртача 6 хонадонга ташриф буюрса, бир ойда 144 хонадон патронажи амалга оширилади. Лекин амалда бир патронаж ҳамширага ўртача 250 хонадон бириктирилган бўлиб, у бир ой давомида барча хонадонларнинг ҳар бирини хабар олишга улгуролмайди. Бу эса патронаж ҳамширалари сонини 2 баробар оширишни тақозо этади. ҚВПга бириктирилган энг чекка худудда яшовчи қишлоқ аҳолиси хонадонигача бўлган масофа вилоят бўйича ўртача 8 километри ташкил қилади. Шу сабабли улар транспорт воситаси билан таъминланишга муҳтож. Патронаж ҳамширалар сумкалари эскирган бўлиб, ундаги тиббий жиҳозларни ҳам замонавийлари билан алмаштириш вақти келди. Бундан ташқари, ҚВПларнинг умумий амалиёт шифокорлари билан таъминоти етарлича бўлмаганлиги сабабли айрим умумий амалиёт шифокори 5 минг

нафардан ортқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Айрим ҚВПларда умумий амалиёт шифокорлар сони бир нафарни ташкил этиб, ушбу шифокорларга ҚВП мудирлиги вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини кафолатлаш имконияти чегараланмоқда. Маълумотга кўра, ҳозирги кунда вилоят бўйича 434 нафар умумий амалиёт шифокорига эҳтиёж бор. Тўғриси-ни айтиш керак, айрим ҚВПлар 1950 йилларда хом гиштдан қурилган биноларда жойлашган. Ҳозирги кунда 34 ҚВП қайта қуришга, 78 таси мукамал таъмирга ва 103 таси жорий таъмирга муҳтож.

— ҚВПларга бир йил давомида жон бошига ўртача қатнов 5-7 тани ташкил этади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси умумий амалиёт шифокорлари бўйича бош мутахассиси Дониёр Болтабоев. — ҚВПларга бўлган қатновларнинг ортиси ҳисобига ҳамда аҳолини тўлиқ ва сифатли тиббий кўригини таъминлаш учун 5 турдаги тахлил — гемоглабин, глюкоза, билурибин, АлТ, мочевиани аниқлаш учун реактивларга эҳтиёж сезилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2017 йил 5 январь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкам-

лаш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган 7 та энг асосий йўналиш белгиланган бўлса, уларнинг энг биринчи ва асосий патронаж хизматидир, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одилжон Умаров. — Ушбу йиғилиш кунини тиббиёт ходимлари зиммасига юклатилган вазифалардан қелиб чиқиб, вилоятимизда ҚВПларнинг икки сменали ишлаши ташкил этилди. Вилоят мутахассислари ҳар бир ҚВПга бириктирилиб, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишининг сайёр турлари амалга оширилиши йўлга қўйилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, барча тиббиёт мутахассисларининг бинолари, моддий-техник базаси инвентаризациядан ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 3 январдан 31 январгача тасдиқланган жадал асосида барча шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари раҳбарлигида аҳоли ёлпасига патронаж инвентаризациясидан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам хизматини ҚВПларга бириктириш орқали маҳаллийлаштириш дастури белгиланиб, бу соҳада ҳам керакли ишлар амалга оширилмоқда.

— Патронаж хизмати миқозларининг аксарияти партиямиз электротидир. Шунинг учун ҳам биз бу тиббий хизмат аҳоли, муаммолари ва уларнинг ечими масалаларини ўрганиш, тегишли таклифлар ишлаб чиқиш, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига қиритишни мўлжаллашмиз, — деди ЎзАДП Тошлоқ тумани кенгаши раиси Турсинбой Солиев.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

Шу кунларда Мельбурн (Австралия)да теннис бўйича дунёдаги энг йирик мусобақа — «Катта дубулга» туркумига кирувчи тўртта турнирдан бири Australian Open баҳслари қизгин давом этмоқда.

Кўпчилик кутмаган ғалаба

Денис Истомин дунёнинг
иккинчи рақамли ракеткиси
Новак Жоквични мағлуб этди

Унда ҳамюртимиз Денис Истомин мусобақанинг дастлабки босқичида хорватиялик Иван Додигни мағлубиятга учратганди.

Куръага кўра, иккинчи даврада Денис Истомин дунёнинг иккинчи рақамли теннисчиси сербиялик Новак Жоквичга қарши қорғатчиди. Аксарият мутахассис ва мухлислар ушбу жуфтлик баҳсидан олдин сербиялик спортчи осонгина ғалаба қозонишини тахмин қилишганди. Чунки Новак Жоквич бунгача Australian Open мусобақасида олти марта (2008, 2011, 2012, 2013, 2015 ва 2016 йиллар) ғолиб бўлган. У «Катта Дубулга» туркумига кирувчи барча мусобақаларда бош совринни кўлга киритган. Жоквич уч марта Уимблдон, икки бор US Open ва бир марта Роланд Гаррос сингари нуфузли турнирларда пешқадам бўлган.

Шунга қарамай, Денис номдор рақиб олдида довдираб қолмади, ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, у учрашунинг биринчи сетиди рақибига қарши тезкор ўйин намойиш этди ва 7/6 ҳисобида зафар қучди. Учрашунинг иккинчи ва учинчи сетларини 7/5, 6/2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Новак тўртинчи сетда «тай-брек»да теннисчимизга қаршилиқ кўрсата олмади. Сўнгги ҳал қилувчи бешинчи сетда Денис Истомин катта ирода ва маҳорат кўрсатиб 6/4 ҳисобида ғалаба қозонди. Умумий ҳисоб — 3:2 (7/6, 5/7, 2/6, 7/6, 6/4).

Энди Денис учинчи даврада испаниялик Пабло Каррено Буста билан қўра синашди. Турнирнинг 30-рақамли теннисчиси сифатида қайд этилган бу спортчи илк босқичда британиялик Кайл Эдмондни (6/2, 6/4, 6/2) мағлубиятга учратган.

Нимчорак финал йўлнамаси учун кечадиган навбатдаги баҳсда ҳамюртимизга омад тилаймиз.

Эркин ХОЛБОБОВ



Тендерная комиссия АО «Ўзбекистон темир йўллари»

объявляет тендер № 3 2017 года на приобретение автомотрис в количестве 7 единиц для обслуживания контактной сети на электрифицированных железнодорожных линиях.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, АО «Ўзбекистон темир йўллари». Тел: 238-87-07, 237-94-46, Факс: 237-92-70. E-mail: mtr@uzrailway.uz.

Заявки на участие в тендере принимаются до 24.02.2017 г. 15:00 часов по Ташкентскому времени.



Услуги лицензированы

Эълонлар

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2017 йил 23 февраль кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказлади.

Аукцион савдоларига Тошкент вило., Зангиота тумани, «Юнусобод» қишлоқ кенгаши, «Дархон» қишлоғида жойлашган, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қозғ фабрикаси балансидаги 1997 йилда ишлаб чиқарилган, инвентар рақами 01/5-7, бошлангич нархи 3 579 287 сўм бўлган 40 футли GATU 846043-9 рақамли металл контейнер; 2001 й. и/ч, инвентар рақами 01/5-6, бошлангич нархи 3 579 287 сўм бўлган 40 футли MAXU 622611-2 рақамли металл контейнер; 1993 й. и/ч, бошлангич нархи 3 579 287 сўм бўлган 40 футли SCZU 555165-1 рақамли металл контейнер ҳамда Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 81-уйда жойлашган Шарқ кўлэмалари маркази балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/1255BA, бошлангич нархи 6 578 300 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли; Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 9-уйда жойлашган Тошкент вилояти Факуллода вазиятлар бошқармаси балансидаги қуйдаги автотранспорт воситаларига қўйилди:

№	Русуми	Давлат рақами	И/ч йили	Бошлангич баҳоси (сўм)	№	Русуми	Давлат рақами	И/ч йили	Бошлангич баҳоси (сўм)
1	«УАЗ-31512»	01/286QAA	1995	11 018 400	7	Бульдозер Т-170	Рақамсиз	1990	83 266 200
2	«УАЗ-31512»	11AE740	1998	10 388 900	8	Трейлер 2 ПП-40	Рақамсиз	1990	39 280 000
3	«ГАЗ-270500»	10/526UAA	1996	7 601 400	9	«ГАЗ-5312» (Кубань)	11AX379	1988	15 128 500
4	«ГАЗ-66»	Рақамсиз	1968	9 838 740	10	Трактор Т-16	Рақамсиз	1988	1 900 000
5	«ГАЗ-2410»	10/522SAA	1988	2 006 900					
6	«ГАЗ-311000»	01/093TBA	1997	7 646 200					

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кундан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги ФА.00425, СТР.302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида

олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур контейнерлар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу контейнерлар ва автотранспорт воситаларининг ҳолати билан со-

тувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (0 371) 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

БИЗНЕС ҲОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

Ўзмилийбанк Экспортга кўмак жамғармаси

таклиф қилади:

Кредит линияси	Мин/максимал кредит суммаси	Кредит шартлари
Корея Экспансионнинг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хом ашёни қайта ишлаш учун Кореядан ускуналар харид қилишга. Кредит муддати: 5 йилгача
Хитой Тараққот Банкнинг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналар улуши камида 50%ни ташкил этиши лозим. Кредит муддати: 5 йилгача
Коммерцбанк кредит линияси (Германия)	500 минг АҚШ доллари ёки 500 минг Евродан бошлаб	Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарни харид қилиш учун. Кредит муддати: 7 йилгача

Биз сизга ҳамкор ва мадақормиз!

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзмилийбанк — (0 371) 235-17-02, 234-45-33
Жамғарма — (0 371) 244-35-29, 244-35-60

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	
Saidkamol XODJAYEV		

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

•Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138
17031
Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00:30
Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchesi:
Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 3 4 5 6